

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ГЕРМОПЛАЗМАНИ ЎЗАРО АЙИРБОШЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Н. С. Рустамов

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти
perfectfuture@bk.ru

АННОТАЦИЯ

Гермоплазмани қабул қилиб олиш, тақдим қилиш, айрибошлаш ҳамда шунга ўхшаш бошқа қатор жараёнларни регламентлаштиришда халқаро конвенциялар, келишувлар ҳамда маҳаллий қонунчиликда белгиланган тартибларга асосан жараёнлар амалга оширилиши лозим. Уруғликни қабул қилиб олувчи томонга, уруғлик материал билан биргаликда уруғлик ҳақидаги барча маълумотлар акс этирилган ҳужжатлар тақдим этилиши зарур. Уруғликни тақдим этиш бўйича сўровнома қабул қилинган вақтдан то уруғликни жўнатишгача бўлган вақт имкон қадар қисқа бўлиши керак. Кўпчилик турларнинг тақдим этиладиган уруғлик намунасида камида 30-50 донагача ҳаётчан уруғ бўлади. Ушбу регламент, яъни намунадаги уруғлар сони 30-50 дона бўлиши, фақатгина ушбу намунанинг етарли даражада материали мавжуд бўлгандагина қўлланилиши мумкин. Уруғлик материали кам миқдорда мавжуд бўлса, унинг ўрнини босувчи альтернатив вариантлар мавжуд бўлмаса, у ҳолда ушбу намуна учун қайтадан ариза берилиб, бир вегетация давомида янги уруғлик материали етилиб чиққунга қадар муддат кутилади.

Калит сўзлар: озиқ-овқат, уруғ, плазма, муртак плазмаси, селекцион муддат.

КИРИШ

Муртак плазмасини сақлаш ушбу гермоплазманинг келажақда фойдаланилиши билан бевосита боғлиқдир. Муртак плазмаси учун талабнома жўнатган томонга сўралган намуна бўйича репрезентатив уруғлик намунаси жўнатилади. Ҳозирги кунда иқлимнинг глобал ўзгариши, касаллик ва зараркунандаларнинг хавфи тобора ортиб бораётганлиги, ундан ташқари инвазив шаклларнинг юзага келиши сабабли генетик ресурсларга бўлган талаб тобора ортиб бормокда. Бу эса дунё миқёсида, кўплаб хилма-хил минтақаларда сақланаётган муртак плазмасининг қийматини кундан-кунга ортиб бораётганлиги ҳақида далолат беради. Селекцион муддат ҳамда бошқа таҳлилий жараёнларнинг узок вақт эгаллашини инобатга олган ҳолда уруғликни тезкор муддатларда ўзаро айрибошлаш мақсадга мувофиқдир.

Шу нарса маълумки, процессуал қоидалар нуқтаи назаридан ҳар хил мамлакатларнинг қонунчилик тизими фарқланади. Бу эса маҳаллий судлар, халқаро судлар ҳамда



бошқа тартибга келтирувчи муассасалар билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этишда кўп вақт сарфланишини тақозо этади. Талабгор бошқа мамлакат генбанкига мурожат этганда ўзининг талабномасида уруғликни импорт қилиш билан боғлиқ бўлган маҳаллий талабларни, мамлакатдаги карантин ҳолатини, шу жумладан, касаллик ва зараркунандалар ҳамда инвазив шаклларнинг маълумоти қайд этилган рўйхатини тақдим этиб ўтиши шарт.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ҳозирги кунда дунё миқёсида икки турдаги халқаро баённома шакли амал қилмоқда (МДГРРПСХ ва КБР). Ушбу шаклдаги баённомаларга мувофиқ уруғларни ўзаро айрибошлашнинг тенг ҳуқуқлилик принципи илгари сурилган. МДГРРПСХ га мувофиқ 64 хил турдаги ем-ҳашак ҳамда озиқ-овқат экинлари эркин тартибда ўзаро алмашинуви амалга оширилиши лозим. Ушбу рўйхатга киритилмаган экин турларини ўзаро айрибошлаш учуш қўшимча тартибда келишув ва битимлар ишлаб чиқилиши мумкин. КБР шаклидаги баённомага кўра уруғликнинг халқаро айрибошланиши ҳамда томонларнинг манфаати Нагоя протоколидаги ҳолатлар билан тартиблаштирилади. Ушбу айтиб ўтилган икки турдаги халқаро ҳужжат гермоплазмага бўлган талабни ўз вақтида қондиришга ҳамда кўплаб юзага келиши эҳтимоли бўлган муаммоларни олдини олишга қаратилган. Халқаро миқёсдаги ўзаро ҳамкорлик, турли хил офатлардан жабрланган генбанкларнинг захирасини қайта тиклашга имконият яратади.

Дунё миқёсидаги мавжуд бўлган генбанклар ўзининг фаолияти давомида имкон қадар уруғлик намуналари ҳамда уруғлик намунаси билан боғлиқ бўлган маълумотларни эркин равишда тезкор тақдим этишга қаратишлари лозим. Агар уруғлик материал миқдори камайиши кузатилгудак бўлса, генбанк ҳодимлари ушбу коллекцион намуни зудлик билан кўпайтиришга ҳаракат қилишлари лозим. Талабгор очик манбаларга таяниб, расмий мурожатни юборгандан сўнг, тегишли тартибда гермоплазма билан таъминланиши лозим. Генбанк имкон қадар мавжуд бўлган генетик ресурслар орқали манфаатдор бўлган ҳамда муртақ плазмасига қизиқиш билдирган томонлар (генетик ва селекционерларни, ИТИ ларини, ундан ташқари халқ селекционерлари ва фермерларни) манфаатларини ҳам инобатга олган ҳолда иш тутиши лозим.

Манфаатдор томоннинг гермоплазмани қандай мақсадларда қўллашини инобатга олиб, шу билан бир қаторда захирасидаги мавжуд бўлган коллекциянинг миқдоридан келиб чиққан ҳолда тақдим этилажак уруғлик миқдорини белгилайди. Генбанкда сақланаётган муртақ плазмаси нафақат пребридинг

мақсадида, балки селекцион мақсадларда ҳам қўлланилади. Селекцион мақсадларда олинадиган уруғлик миқдори у қадар катта бўлмайди.

Уруғликни талабгор томонга етказиб беришда, ушбу уруғликнинг етиб бориш нуқтасигача юқори кондицион ҳолатини сақлаб жабҳасини инобатга олиш лозим. Уруғликни етказиб бериш вақтида атроф-муҳитнинг ноқулай омилларини инобатга олмаслик салбий оқибатларга олиб келади. Уруғлик материал яхши қадоқланган ҳамда герметикага эга бўлган идишларда етказиб берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Етказиб берилаётган уруғлик намунаси, етказиб берилаётган мамлакатнинг фитосанитар қоидаларига амал қилган ҳолда касаллик ва зарақунандалардан ҳоли бўлиши ҳамда тегишли сифат стандартларига эга бўлиши лозим. Уруғликга қизиқиш билдирган томон, уруғликни тақдим этадиган томонган мамалакатдаги миллий қонунчилик билан боғлиқ бўлган барча ҳолатлар тўғрисида огоҳлантириш бериб ўтиши зарур.

Уруғларнинг божхона назорати ҳамда карантин хизмати томонидан тезкор равишда текширилиши ҳамда тўсиқсиз кириб келишида иккала томоннинг етарли даржадаги маълумотлар акс эттирилган ҳужжатлар билан таъминланганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Қабул қилиб олувчи томоннинг (давлатнинг) чегаравий хизмати уруғликнинг карантин сертификати, қўшимча декларациялар, коммерцион қиймат тўғрисидаги далолатнома ҳамда бошқа турдаги ҳужжатларни талаб этиши мумкин. Шу сабабли барча генбанклар турли хил мамлакатларнинг қонунчилигида содир бўлаётган ўзгаришлар тўғрисидаги янгиликлардан доимо хабардор бўлиб туришлари керак. Агар уруғликни айрибошлаш билан боғлиқ бўлган қўшимча ҳаражатлар юзага келгудак бўлса, у ҳолда ушбу ҳаражатлар тўлиқ талабгор томонга юклатилади ёки бу ҳақда иккала томон розилигига кўра келишув битимга қўшимчалар киритилади. Асосий муаммоли вазиятлардан бири шундаки, ҳар бир генбанк уруғлик териб олинган майдон, айнан шу деҳқончилик мавсумида ҳеч қандай касалликка дучор бўлмагани тўғрисидаги сертификатни тақдим эта олишидадир. Сабаби генбанк 20-30 йил олдин териб олинган уруғлик майдони тўғрисидаги маълумотга эга бўлмаслиги мумкин. Декларация билан боғлиқ бўлган барча муаммоли вазиятларнинг ечими кўп ҳолларда уруғликни қабул қилиб олувчи томон зиммасига юклатилади.

Уруғликни қабул қилиб олувчи томонга коллекцион намуналар рўйхати билан биргаликда энг камида уруғликнинг паспортидаги маълумотлар тақдим этилиши шарт. Шу билан бир қаторда уруғликка тегишли тартибда генетик ресурсларни



айрибошлаш тўғрисидаги келишувлар ҳам илова қилиниши лозим.

Халқаро келишувларда уруғликни етказиб бериш билан уруғликни қабул қилиб олиш ўртасидаги вақт максимал даражада кам бўлишини қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Агар етказиб берилган контейнерда уруғ мавжуд бўлмаса, уруғликни қабул қилиб олувчи томон бу ҳақда зудлик билан етказиб берувчи томонга хабар бериши ҳамда бунинг сабабини аниқлаши лозим.

Уруғликни қабул қилиб олувчи томонган келажакда ўзининг шахсий захиравий коллекциясини шакллантириб олиш тавсия этилади. Сабаби етказиб бериладиган гермоплазма намунаси оз миқдорда бўлиб, ушбу намунани кўп қайтариқли тажриба ўтказиш учун етарли даражада бўлмайди.

ХУЛОСА

Уруғликни тақдим этган генбанк ҳар доим уруғликни қабул қилиб олган томон билан алоқада бўлиши ҳамда тақдим этилган гермоплазманинг фойдалилик даражаси тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши керак.

Мамлакатдаги сиёсий ҳолат, кризис ҳолатлари ёки бюрократик тўсиқлар уруғлик тўғрисидаги талабноманинг ёки бўлмаса тақдим этиладиган уруғликнинг ўз вақтида манзилига етиб бормаслигини келтириб чиқариши мумкин. Баъзи ҳолларда уруғликка бўлган талабноманинг айнан уруғлик кўпайтириш/янгилаш йилига тўғри келиб қолиши каби ҳолатлари адолатли мураса асосида ҳал этилиши лозим бўлади.

REFERENCES

1. Bioversity International. 2013. Crop descriptor lists (available at: <http://www.bioversityinternational.org/index.php?id=168>).
2. Engelmann, F., ed. 1999. Management of field and in vitro germplasm collections. Proceedings of a Consultation Meeting, 15–20 January 1996. Cali, Colombia, CIAT, and Rome, IPGRI.
3. Engels, J.M.M. & Visser, L., eds. 2003. A guide to effective management of germplasm collections. Handbooks for Genebanks No. 6. Rome, IPGRI.
4. ENSCONET (European Native Seed Conservation Network). 2009. Seed collecting manual for wild species (available at: <http://ensconet.maich.gr/>).

